Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

# Марказий банк асосий ставкасини кўриб чиқиш бўйича ўтказилган

# Бошқарув йиғилиши

## якунлари бўйича

# МАТБУОТ АНЖУМАНИ

2021 йил 22 апрель



# Асосий прогнозлар







Таҳлилий ҳисоб-китобларга кўра 2021 йилда:

- Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг реал ўсиши **4,5-5,5%** оралиғида бўлиши кутилмоқда.
- Йиллик инфляция даражаси **9-10%** атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

# Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индексларининг шаклланиши




Жорий йилнинг март ойида **иқтисодий фаоллик индекси (ИФИ) 55,2** ни ташкил этиб, февраль ойига (**51,7**) нисбатан **3,5** бирликка, **ишбилармонлик кайфияти индекси (ИКИ) 65,6** ни ташкил этиб, (февраль ойида **65,3**) **0,3** бирликка ошган.

# Иқтисодий фаоллик индекси компонентлари













** - ўтган йилнинг мос даврига нисбатан*

# Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари

*Реал ЯИМ ва унинг компонентлари ўсиши*

| Кўрсаткичлар | 2019 йил I чорак | 2020 йил I чорак | 2021 йил I чорак |
|---|---|---|---|
| ЯИМ реал ўсиши | 5,3% | 4,1% | 3,0% |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2,5% | 3.9% | 3,1% |
| Саноат | 6,8% | 4,0% | 3,8% |
| Қурилиш | 5,9% | 6,5% | 0,5% |
| Хизматлар | 11,1% | 9,9% | 5,8% |

2021 йил I чорагида ЯИМ ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ҳисобда **3 фоизга** ўсди. Бунда, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми **3,8 фоизга**, қишлоқ хўжалиги – **3,1 фоизга**, хизматлар – **5,8 фоизга** ва қурилиш ишлари – **0,5 фоизга** ошди.

# Асосий капиталга инвестициялар

| Кўрсаткичлар | 2019 йил I чорак | | 2020 йил I чорак | | 2021 йил I чорак | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | сумма, трлн. сўм | *ўзгариши, фоизда** | сумма, трлн. сўм | *ўзгариши, фоизда* | сумма, трлн. сўм | *ўзгариши, фоизда* |
| **Асосий капиталга инвестициялар** | 29.9 | ***29.9%*** | 33.4 | ***-10.2%*** | 35.6 | ***-3.5%*** |
| *шу жумладан:* | | | | | | |
| **Марказлашган инвестициялар** | 12.5 | ***3 б.*** | 8.4 | ***-40.8%*** | 4.3 | ***-54.1%*** |
| **Марказлашмаган инвестициялар** | 17.4 | ***-7.9%*** | 24.9 | ***8.9%*** | 31.3 | ***13.6%*** |
| *корхоналар ўз маблағлари* | *6.2* | ***-6.7%*** | *8.7* | ***-0.6%*** | *10.1* | ***6.3%*** |
| *тўғридан-тўғри инвестициялар* | *2.4* | ***-21.8%*** | *3.6* | ***27.9%*** | *4.2* | ***5.7%*** |

**- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўзгариши*

# Ажратилган кредитлар динамикаси

| Кўрсаткичлар | 2019 йил I чорак | 2020 йил I чорак | 2021 йил I чорак |
|---|---|---|---|
| **Ажратилган кредитлар**, трлн. сўмда | 27.3 | 29.7 | **32.9** |
| **Ўзгариши**, фоизда *(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан)* | 46% | 9% | **10.6%** |
| *Шундан, **хорижий валютада ажратилган** кредитларнинг улуши, фоизда* | *39.8%* | *41%* | ***39.7%*** |

Жорий йилнинг январь-март ойларида тижорат банклари томонидан иқтисодиётга **32,9 трлн.** сўмлик, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **10,6 фоиз** кўп кредитлар ажратилди. Шундан, **хорижий валютада** ажратилган кредитларнинг улуши **39,7** фоизни ташкил этди.

# Иқтисодиётга ажратилган кредитлар




2021 йилнинг дастлабки чорагида жами **32,9 трлн.** сўмлик ёки ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 10,6 фоизга (3,1 трлн. сўмга) кўпроқ кредитлар ажратилди. Бунда, кредитларнинг **қайтувчанлик даражаси** ўтган йилдаги 63 фоиздан **73 фоизгача** ортди.

# Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ўзгариши




Аҳолига ажратилган кредитларнинг қолдиғи **3,4 фоизга** ёки **1,9 трлн.** сўмга ортиб 56,7 трлн. сўмни ташкил этди. Давлат дастурлари доирасида ипотека кредитларининг ажратилиши ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ажратилаётган кредитлар ҳажмининг ўсиши билан изоҳланади.

# ХВЖнинг глобал иқтисодий ўсиш прознозлари



# Жаҳон бозорида хомашёлар нархи динамикаси












# Экспорт ва импорт кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | 2019 йил I чорак | | 2020 йил I чорак | | 2021 йил I чорак | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | млн. доллар | ўзгариши, фоизда* | млн. доллар | ўзгариши, фоизда* | млн. доллар | ўзгариши, фоизда* |
| **Экспорт**, млн. долларда (газ ва олтин экспортисиз) | 2 048.7 | ***12.4%*** | 2 128.7 | ***3.9%*** | 2 356.4 | ***10.7%*** |
| *рангли металлар* | 228,1 | ***41,4%*** | 184,8 | ***-19%*** | 288,3 | ***58%*** |
| *текстил маҳсулотлари* | 369,3 | ***16,6%*** | 463,5 | ***25,5%*** | 637,7 | ***37,8%*** |
| *кимё маҳсулотлари* | 222,9 | ***-5,5%*** | 198,7 | ***-13,4%*** | 246,6 | ***21%*** |
| **Импорт**, млн. долларда | 5 276.9 | ***33%*** | 4 765.7 | ***-9.7%*** | 4 707 | ***-1.3%*** |
| *Озиқ-овқат товарлари* | 513,6 | ***9%*** | 403,2 | ***-21,5%*** | 597 | ***48,4%*** |
| *Машина ва ускуналар* | 2 246,3 | ***56,9%*** | 1 940,4 | ***-14,5%*** | 1 625,3 | ***-16,1%*** |

**- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариши*

**Трансчегаравий пул ўтказмалари**
*(млн. доллар)*




**Аҳоли билан валюта амалиётлари**
*(млн. доллар)*




- 2021 йилнинг дастлабки чорагида мамлакатимизга трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми **1,4 млрд.** долларни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **31 фоизга** ортиқни ташкил этди. 2021 йил давомида трансчегаравий пул ўтказмаларнинг ўтган йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи **8-10 фоиз атрофида** бўлиши прогноз қилинмоқда.
- Шунингдек, аҳоли билан валюта амалиётларида ҳам **ижобий тафовут** кузатилиб, миллий валюта алмашув курсига **мувозанатлаштирувчи таъсир** кўрсатди.

# Инфляциянинг асосий компонентлари







2021 йил мартда ойлик инфляция **0,8 фоизни** ва йиллик инфляция **10,9 фоизни** ташкил этди. Чорак давомида инфляция даражасига асосан **озиқ-овқат маҳсулотлари** қимматлашиши, хизматлар нархларининг, шу жумладан, **коммунал тарифларнинг** ошиши сезиларли таъсир кўрсатди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ

# Асосий товар ва хизматлар нархлари ўзгариши

| Товар ва хизматлар | 2020 | | 2021 | |
|---|---|---|---|---|
| | Январь-март | Март (Йиллик) | Январь-март | Март (Йиллик) |
| **Умумий инфляция** | **2.8** | **13.6** | **2.5** | **10.9** |
| **Озиқ-овқат маҳсулотлари** | **4.3** | **16.4** | **3.1** | **13.9** |
| **Ноозиқ-овқат маҳсулотлари** | **1.7** | **10.0** | **1.7** | **8.8** |
| **Хизматлар** | **1.5** | **14.1** | **2.7** | **8.3** |
| Олий навли буғдой уни | 2.4 | 32.3 | 1.5 | 11.0 |
| **Гўшт маҳсулотлари** | **4.1** | **24.4** | **1.9** | **16.2** |
| Мол гўшти (суяксиз) | 5.1 | 25.7 | 1.5 | 17.1 |
| Парранда гўшти | -1.2 | 13.9 | 7.3 | 12.8 |
| Тухум | -2.8 | 28.2 | -6.6 | 32.3 |
| **Ёғ-мой маҳсулотлари** | **2.0** | **7.0** | **4.3** | **29.8** |
| Кунгабоқар ёғи | 2.4 | 7.0 | 7.3 | 37.7 |
| Пахта ёғи | 1.4 | 4.3 | 2.3 | 33.5 |
| **Мевалар** | **12.6** | **12.8** | **7.6** | **12.0** |
| Олмалар | 23.5 | 79.4 | 9.1 | -14.4 |
| Лимонлар | 13.0 | 26.4 | 12.2 | 80.7 |
| **Сабзавотлар** | **11.3** | **-3.5** | **8.0** | **6.0** |
| Сабзи | -0.1 | -19.4 | 9.4 | 42.6 |
| Картошка | 19.0 | 30.6 | 4.8 | 25.1 |
| **Шакар** | **1.3** | **15.8** | **5.1** | **25.4** |
| **Тамаки маҳсулотлари** | **4.1** | **17.6** | **5.9** | **13.4** |
| **Спиртли ичимликлар** | **1.6** | **11.0** | **3.5** | **10.2** |
| **Қурилиш моллари** | **1.5** | **8.0** | **2.6** | **12.4** |
| Цемент | 2.0 | 9.0 | 4.2 | 21.7 |
| **Дори-дармон** | **1.6** | **9.7** | **2.6** | **14.7** |
| **Автомобил учун ёқилғи маҳсулотлари** | **0.2** | **20.4** | **3.3** | **11.1** |
| Бензин | 0.2 | 17.6 | 8.5 | 13.3 |
| Метан | 1.2 | 21.3 | 4.0 | 4.8 |
| Пропан | -3.4 | 31.6 | -15.8 | 18.2 |
| Шахарлараро автобус хизмати | 0.2 | 15.0 | 4.2 | 10.6 |
| **Тиббий лабаратория хизмати** | **3.9** | **13.3** | **4.7** | **15.6** |
| **Мехмонхона хизматлари** | **2.9** | **12.8** | **11.2** | **17.9** |
| **Сув таъминоти** | **0.0** | **19.4** | **59.8** | **88.2** |

# Жаҳон бозорида ўсимлик ёғи нархлари ўзгариши

## Кунгабоқар ёғи




## Соя ёғи




## Палма ёғи




## Рапса ёғи



# Базавий инфляция

*компонентлар улуши, фоиз бандда*




*йиллик кўрсаткич, фоизда*




2021 йил мартда йиллик базавий инфляция **11,6 фоизни** ташкил этган бўлиб, умумий инфляция даражасидан **0,7 фоиз бандга** юқори бўлди. Бунда тартибга солинадиган нархлар ошишининг сезиларли даражада секинлашганлиги ва мева-сабзавотлар нархларининг нисбатан барқарор бўлиши умумий инфляциянинг базавий инфляцияга нисбатан паст бўлишига хизмат қилди.

# Инфляцион кутилмалар




# Сезилган инфляция даражаси



# Банклараро пул бозори




I чорак давомида пул бозорида жами **35,6 трлн.** сўмлик депозит операциялари амалга оширилган бўлиб, IV чоракка нисбатан **13 трлн.** сўмга ёки **57,1 фоизга** ортиқни ташкил этди. Бунда март ойида операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси **14,4 фоизни** ташкил этиб, Марказий банк фоиз коридори доирасида асосий ставкадан **0,4 фоиз бандлик ижобий тафовут** билан шаклланди.

# Банклараро пул бозори

## Пул бозорида муддати 14 кунгача бўлган депозитлар бўйича фоиз ставкалари




## Пул бозорида шаклланган реал фоиз ставкалари




Пул-кредит сиёсатининг **операцион мақсади** – пул бозорида муддати 14 кунгача бўлган депозитлар бўйича фоиз ставкаларни Марказий банк асосий ставкасига яқин даражада фоиз коридори доирасида шаклланишини таъминлаш вазифаси **2021 йил январь-март ойларида** ҳам **деярли тўлиқ бажарилди.**

# UZONIA (1 кунлик) ва UZWIA (2-7 кунлик) индекслари




Жорий йил I чораги давомида пул бозорининг **“UZONIA”** индекси сезиларсиз тебранишлар билан **асосий ставка даражасида** шаклланган бўлса, **“UZWIA”** индекси ҳам айрим кунлардаги амалиётларни ҳисобга олмаганда деярли тўлиқ Марказий банкнинг **фоиз коридори доирасида** бўлди.

## Депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалар




## Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалар




- 2021 йил мартда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси **19,1 фоизгача**, юридик шахсларнинг депозитлари бўйича эса **16,7 фоизгача** ўсиш кузатилди.
- Бунда инфляция даражасини инобатга олганда депозитларнинг реал фоиз ставкалари жисмоний шахсларда **7,4 фоизни** ва юридик шахсларда **5,2 фоизни** ташкил этди.

## Кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалар




## Кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалар




- 2021 йил мартда кредитлар бўйича фоиз ставкаларнинг бироз **ўсиши** кузатилди ҳамда қисқа муддатли кредитлар бўйича **21,9 фоизни** ва узоқ муддатли кредитлар бўйича **21,2 фоизни** ташкил этди.
- Ўз навбатида, жисмоний ва юридик шахсларнинг кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари март ойида мос равишда **22,1** ва **21,1 фоизни** ташкил этди.

# Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози

| Кўрсаткичлар | 2019 йил факт | 2020 йил факт | 2021 йил кутилаётган |
|---|---|---|---|
| **Реал ЯИМ ўсиши** | **5,9** | **1,6%** | **4,5-5,5%** |
| Инфляция даражаси | 15,2 | 11,1% | **9-10%** |
| Кредит қўйилмалари ўсиши | 54,5 | 34,3% | **16-20%** |
| Умумий фискал дефицит (ЯИМ нисбатан %) | 1,5 | 4,4% | **4,4-5,4%** |

# Асосий прогнозлар

## Фискал рағбатлантириш




## Аҳоли даромадларининг ўсиш тренди




## Кредитлар қолдиғининг реал ўсиши, *йиллик*




## Пул ўтказмалари номинал ўсиши, *йиллик*



# Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози

| Кўрсаткичлар | 2019 йил факт | 2020 йил факт | 2021 йил кутилаётган |
|---|---|---|---|
| Якуний истеъмол харажатлари | 27,3% | 2,7% | **7,0-8,0%** |
| *- уй хўжаликлари* | *5,6%* | *3%* | ***7.5-8.5%*** |
| *- давлат бошқаруви органлари* | *5,7%* | *2%* | ***6-6.5%*** |
| Асосий капиталга инвестициялар | 38,1% | -8,2% | **12-13%** |
| *- марказлашган* | *20%* | *-34,9%* | ***20-22%*** |
| *- марказлашмаган* | *39,8%* | *2%* | ***13-15%*** |
| Экспорт (олтинсиз) | 10,6% | -25,7% | **20-25%** |
| Импорт | 25% | -12,8% | **12-14%** |

# Инфляция прогнози

*йиллик кўрсаткич, фоизда*



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

# Марказий банк асосий ставкасини кўриб чиқиш бўйича ўтказилган

# Бошқарув йиғилиши

## якунлари бўйича

# МАТБУОТ АНЖУМАНИ

2021 йил 22 апрель

